



ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИДА СУВНИ
ТЕЖОВЧИ ЯНГИ ВА ТЕЖАМКОР
ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН
ФОЙДАЛАНИШИЎЛЛАРИ.



- **Республикамизда сув ресурсларидан тежамли ва самарали фойдаланиш асосида суғориладиган майдонлардан олинадиган ҳосил миқдорини ошириш, бу борада озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш, сифатини яхшилаш ҳамда ички бозорни тўлдириш орқали мамлакат аҳолисининг турмуш даражасини янада яхшилаш сувни тежаш тушунчаси деб юритиш мумкин.**



Республикамизда сувдан самарали ва мақсадли фойдаланиш бўйича кейинги йилларда кенг кўламда ишлар олиб борилмоқда. Мамлакатимизда сувни тежашнинг бир қанча турлари ёрдамида босқичма-босқич зарур бўлган тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ҳар йили 5 минг км. дан ортиқ суғориш, 12 минг км коллектор-дренаж, 50 минг км ариқ тармоқлари тозаланаётган бўлса, 200 км. дан ортиқ каналлар, 30 км лоток ва 500 км коллектор тармоқлари, 400 дан ортиқ гидротехник иншоотлар ва бошқа кўпгина объектлар реконструкция қилинмоқда ва қурилмоқда.



Экинларни суғоришда сувдан тежамли фойдаланиш тадбирлари орасида бир қатор ташкилий жиҳатлари борки уларга амал қилиш сувдан фойдаланиш самарадорлигини оширишга бевосита хизмат қилади.

Жумладан, фермерлар орасида сувни навбатма-навбат ишлатишни ташкил қилиш, бунда сувни аввал битта далага, кейин эса бошқасига узатилиши натижасида каналдаги сув исрофи 10-20 % га, дала ўқариқларидаги сув исрофи эса 30-35% гача камаяди;




- суғориш ариқларини лойқа ва бегона ўтлардан тозалаш, бетон ва нов ариқларнинг синган, ёрилган ва тешилган жойларини таъмирлаш тадбирлари ҳам далада сув таъминотини яхшилайти;
 - фермер хўжалиklarининг сув олиш кулоқларини сувни бошқариш ва ўлчаш иншоотлари билан жиҳозлаш ишлари сувни адолатли тақсимлаш имконини беради;
 - эрта баҳорда ёки экиш олдида ўтказилган нам тўпловчи суғоришлар ғўзаларни биринчи суғоришсиз бир текис ундириб олишга тўлиқ имкон беради;
- сувнинг қатъий ҳисоб-китобининг жорий этилиши ундан мақсадли ва самарали фойдаланилишини таъминлайди



Шу билан бирга:


- суғориладиган ерларни текислаш, ер майдонининг нишаблигига қараб эгатларни қисқа олиш (50-60 м);
- эгат оралатиб суғориш (20-25 фоиз сув тежалади);
- сувчилар сонини кўпайтириш ва ҳар 8-10 л/с сувга биттадан сувчи жалб этиш, тунги суғориш ишларини ташкил этиш;
- суғоришни шарбат оқизиб ташкил этиш ва қатор орасига ўз вақтида ишлов бериш, сувни ташлама ва зовурга беҳуда ташлаб қўйиш, кўллатиб ва захлатиб суғоришга йўл қўймаслик ҳам ўз самарасини беради.




Мамлакатимизда сув тежовчи технологияларнинг бир қанча турлари қўлланилиб, улар қуйидагиларни ташкил этадилар:

1. Эгатга плёнка тўшаб суғориш;
2. Ўқариқлар ўрнига эгилувчан пленкали қувурлардан фойдаланиш;
3. Тупроқ остидан суғориш технологиясини қўллаш, далага сув бериш миқдори 25–30 фоизгача камаяди, эгат олинмайди;
4. Ёмғирлатиб суғориш (бунда асосан бир йиллик экинлар суғорилади).
5. Томчилатиб суғориш

Фермер хўжаликларида суғоришни қуйидаги турларга бўлиш мумкин:



Суғориш турларини туркумланиши



- Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги соҳасида сувни тежаш муҳим йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда. Шу боис мамлакатимизда суғорма деҳқончиликни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини аниқлаш, фермер хўжаликларида сувни тежаш бўйича инновацион фаолиятни ташкил этиш, фермер хўжаликларида тупроқ ости намлатиб суғориш технологиясини янада такомиллаштириш, фермер хўжаликларида субирригацияни ташкил этиш, эгатга полиэтилен пленка тўшаб суғориш технологиясини ривожлантириш каби бир қатор тадбирларни амалга ошириш натижасида республикаимиз қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари белгиланиши кузатилмоқда.